O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1998 йил 7 март, шанба • № 19 (11.002) • Эркин нархда сотилади

8-март халқаро хотин-қизлар куни

Аёл зотини эъзозлаш энг муқаддас таомилдир

ЎЗБЕКИСТОН АЁЛЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

ҚАДРЛИ ОНАХОНЛАР!
МЕҲРИБОН ОПА-СИНГИЛЛАР!
АЗИЗ ҚИЗЛАРИМ!

Сизларни қалбларимизни меҳру муҳаббатга тўлдирувчи эзгулик ва гўзаликка даъват этувчи, ўзингиз каби файзли байрамингиз — 8 март муносабати билан чин қалбимдан табриклайман.

Аёл гўзаллиги ва латофатини тасвир этмоққа ҳар қандай таърифу тавсифлар озлик қилади. Аёл ўзининг нозик елкаларида нафақат ўз оиласи, балки, бутун оламнинг ташвишларини кўтариб турибди, деб айтсак асло муболаға бўлмас. Оила фаровонлигини, элу юртнинг тинчлиги ва барқарорлигини таъминловчи, жамоани бирлаштирувчи, эзгу ва ёруғ йўлга етакловчи ҳам аёл.

Ҳар қандай жамият ва давлатнинг адолатли экани, авваламбор, унинг аёлларга эътибори билан ўлчанади.

Ҳаёт пайдо бўлганидан буён инсон она сиймоси олдида ҳамиша таъзим қилади. Аёлни табиатнинг тенгсиз мўъжизаси деб билади, уни эъзозлаб яшайди. Оламга мунавварлик бағишлаган меҳр-оқибат, садоқат, ор-номус каби мумтоз туйғулар аёл калбида мужассамдир.

Эртанги кунни ёруғ ва саодатли кўрмоқни истаган барча миллатлар орасида аёл зотини эъзозлаш энг муқаддас таомилдир. "Жаннат оналар оёғи остидадур" деган муборак калима ҳам аслида шул ҳақиқатнинг исботидир.

Ҳар қандай жамиятнинг фаровонлиги ва маънавий соғломлиги мезони — оила аҳиллиги, оила мустаҳкамлигидир. Аёл — оиланинг асоси, оила ҳаётини чароғон этиб турувчи ёруғлик.

Бугун азиз ва озод ватанимизга содиқ, юртимиз шуҳратига шуҳрат қўшадиган оқил, шижоатли, бақувват, мамлакатимиз истиқлолини фидокорона ҳимоя этмоққа қодир авлодни тарбиялашни барча аёлларимиз, оналаримиз ўз умрларининг мазмуни деб биладилар.

1998 йилнинг оила йили деб эълон қилиниши ҳам бежиз эмас, албатта. Оила миллатнинг, демак, ватаннинг буюк келажагини улғайтирувчи муқаддас бешик. Униб-ўсаётган авлоднинг соғлом, маънавий етук, ватанпарвар бўлиб камол топиши оилага, бевосита сиз — аёлларга боғлиқ эканини биз яхши биламиз. Шунинг учун ҳам аёл зотини ҳамиша иззат қиламиз, оналарни мўътабар билиб, бошимизга кўтарамиз.

МУҲТАРАМ ОНАХОНЛАР, АЗИЗ ОПА-СИНГИЛЛАР.

Сизларни гўзал айёмингиз билан яна бир бор чин дилдан қутлайман.

Аллоҳ бахтингизни, иқболингизни ҳамиша зиёда этсин. Янги жамиятимизни, янги порлоқ келажагимизни қуриш, фарзандларнинг камолини ва роҳатини кўриш, қадамлари қутлуғ келинлар тушириш, ширин-шакар набираларнинг бешигини тебратиш саодати ҳар биримизга насиб этсин.

Юртимиздаги тинчлик ва хотиржамлик кўнглингизни ҳамиша мунаввар қилаверсин..

Рўзғорингиздан файзу барака ҳеч қачон аримасин, ризқингиз улуғ, умрингиз узун бўлсин.

Бахтимизга доимо соғ-омон бўлинг.

Ислом КАРИМОВ.

КАШФ ЭТИЛМАГАН АЖИБ ДУНЁСАН

Сен гулнинг исидан яралганмисан,
Ё унинг ҳуснидан яралганмисан?
Гул япроғи каби маъсум юрагинг,
Гўдагинг қошида ўтириб ҳушҳол
Ширин ўйлар сурган муҳтарам аёл.

Ҳаё, ибо кўрдим ўйчан кўзингда,
Андишаю, одоб ҳар бир сўзингда,
Гуллар хушрўйлиги бордир юзингда,
Меҳрингнинг тафтига офтоб боқар лол —
Тонгни бедор кутган муҳтарам аёл.

Соҳибқирон Темур маслакдош билган,
Навоий ижодин манбаи бўлган,
Икки шоҳ Машрабни девона қилган,
Шоирлар илҳоми бир ширин ҳаёл —
Ошиқлар қалбининг ошёни аёл.

Сен кашф этилмаган ажиб дунёсан,
Аёлсан, Онасан, меҳригиёсан,
Фарзанд кўзидаги нурсан, зиёсан,
Қирқ эмас, юз жонинг бордир эҳтимол,
Ҳам буюк, ҳам суюк муҳтарам аёл!

Карима ВАКИЛОВА.

ШОДИЁНА

Вилоят хотин-қизлари Бекободда шарафландилар

БЕКОБОД шаҳридаги Ёшлар уйида халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан байрам тадбири бўлиб ўтди. Бу ерга вилоятнинг барча туман ва шаҳарларидан меҳнат фахрийлари, ишлаб чиқариш илғорлари, хотин-қизлар фаоллари, яқинда бўлиб ўтган "Энг ибратли келин" танловининг ғолиблари ва бошқа меҳмонлар ташриф буюришди.

Тантанани вилоят ҳокимининг биринчи муовини Уммат Мирзақулов очиб, вилоят ҳокимининг табригини ўқиб эшиттирди ҳамда вилоят тараққиётига унумли ҳисса қўшаётган аёлларнинг бир гуруҳига вилоят ҳокимининг фахрий ёрлиқларини топширди.

Вилоят ҳокими муовини, хотин-қизлар қўмитаси раиси С. Хўжаева ўз сўзида вилоятда аёлларнинг тутган ўрни ва меҳнатини таъкидлаб, бир гуруҳ аёлларга фахрий ёрлиқлар топширди.

Шу куни "Ўзбекнаво" гастрол бирлашмаси Тошкент вилоят бўлими қошида фаолият кўрсатаётган санъаткорлар гуруҳи ва Бекобод шаҳар "Само" гуруҳи аъзолари ўз санъатлари билан барчага хуш кайфият улашдилар.

Тўкин дастурхон атрофига йиғилганлар ўзларига бўлган ҳурмат-эътибордан мамнун бўлдилар.

Тадбир сўнгида Бекобод шаҳар ҳокими Жалолиддин Насриддинов сўзга чиқиб, йиғилганларни байрам билан табриклади ва совғалар топширди.

САОДАТ ЖАМИЛ қизи.

Суратда: байрам тантаналаридан лавҳалар.
Даврон АҲМАД олган суратлар.

Набруз

ОБОДОНЧИЛИКДАН БОШЛАШДИ

ОҲАНГАРОН шаҳар ҳокимлигида умумхалқ байрами — Наврўзни ҳар томонлама муносиб тайёргарлик билан кутиб олиш тараддуди кўрилмоқда. Шаҳар ҳокимлиги ташкилий қўмитаси тузган дастурга асосан 1-мартдан бошлаб, тозалик ва ободонлаштириш, кўкламзорлаштириш икки ойлиги бошлаб юборилди. 2 минг тупдан зиёдроқ мевали ва манзарали дарахтлар, 3 минг туп терак, 2 минг туп ҳар хил гул кўчатлари экишга ҳозирлаб қўйилди. Корхоналар, ташкилотлар ва маҳалла фаоллари ёрдамида барча кўча ва хиёбонларни, маҳаллалар атрофларини тозалаш ҳамда ободонлаштириш ишлари уюшқоқлик билан олиб борилаётир.

— Байрам кўнгилдагидек ўтади, — деди шаҳар ҳокимининг муовини Ф. Мадимаров. — "Саҳоват", "Мурувват" уйларида истиқомат қилувчилар, қариялар ҳамда қаровчиси йўқ эҳтиёжманд кишиларга байрам дастурхони ёзилади. Шунингдек, кўп болали ва кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатишни режалаштирдик. Меҳнат жамоалари, маҳалла ва гузарларда ўтадиган байрам тантаналарида шаҳримиздаги ҳаваскорлик гуруҳлари хизмат қилади.

Шавкат МИНГБОЕВ.

АКЦИЯЛАШ ЖАРАЁНИНИ ЯХШИЛАШ ЛОЗИМ

Тошкентда акциялар пакетини тартибга солиш ҳамда корхоналарни техник жиҳатдан қайта жиҳозлашнинг энг долзарб чора-тадбирларига бағишланган семинар бўлди. Унда мамлакатимиздаги саноат тармоқлари, акциядорлик жамиятларининг раҳбарлари, Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг мутахассислари иштирок этди.

Семинарни Ўзбекистон Бош вазири Ў.Султонов бошқарди. У акциядорлик жамиятларининг акциялар пакетларини қайта тақсимлашни текшириш бу ишни Президентимизнинг "Қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш ва республиканинг фонд бозорида хорижий инвесторлар иштирокини кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонига мувофиқлаштириш жараёни анча суст бораётганлигини кўрсатганини таъкидлади. Кўпгина акциядорлик жамиятларининг низом жамғармасида меҳнат жамоасининг улуши кўп. Бу корхоналарни бошқариш назоратсиз бўлиб қолишига, раҳбарларнинг ҳаддан ташқари кўп ваколатга эга бўлишига олиб келмоқда. Бу ҳол акциялар пакетларини қайта тақсимлашнинг аҳамиятини тушунмасликдан, кўпинча эса бу жараённинг тартиб ва механизмини билмасликдан келиб чиқмоқда. Акциядорлик жамиятларининг акциялар пакетларини тезлик билан мана шу ҳужжат талабларига тўла мослаштириш зарурати етилди.

Бош вазир ўринбосари, Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси раиси В.Чжен эътиборни корхоналарни акциядорлик жамиятларига айлантиришдаги қоида бузилишлари, акцияларнинг меҳнат жамоаси аъзолари ўртасида нотўғри тақсимланиши, хорижий инвесторларни жалб этиш бўйича етарли иш олиб борилмаётгани туфайли корхоналар ишлаб чиқаришни ривожлантириш ҳамда маҳсулот турларини кўпайтириш учун зарур бўлган пулни ололмаётганига қаратди. Айрим ҳолларда жиҳоз ва технологияларни янгилаш, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва маҳсулот сифатини оширишга маблағ етмаяпти, корхоналарнинг ўз маҳсулотини жаҳон бозорига олиб чиқиши қийинлашмоқда.

Шунинг учун ҳам акциялаштириш жараёнини тубдан яхшилаш бугунги куннинг асосий вазифаси бўлиб қолмоқда. Президентимиз шу йил 4 мартда имзолаган "Фонд бозорини янада ривожлантириш ҳамда давлат мулки негизида ташкил этилган акциядорлик жамиятларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони шу мақсадни кўзда тутади. Фармон акциядорликка айлантирилаётган корхоналар раҳбарларига вужудга келган вазиятни тубдан ўзгартириш, акцияларни бошқалар ҳамда хорижий инвесторларга сотиш ҳисобидан қисқа муддат ичида яхшигина маблағ, жумладан, валюта маблағи топиш имконини беради. Бу маблағни ишлаб чиқаришни қайта ташкил этиш ва маҳсулотни янгилашга сарфлаш мумкин бўлади.

Семинарда Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси департаментларининг раҳбар ва мутахассислари, бозор тузилмаси муассасаларининг вакиллари акциядорлик жамиятларининг акциялар пакетларини қайта тақсимлаш зарурати, бу ишни янгилашнинг технологияси, восита ва усуллари ҳақида тушунтириш бердилар.

Семинарда Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Т. Алимов қатнашди.

(ЎзА).

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

янгиликлар, одамлар, воқеалар

БИР ОИЛА — БИР ОЛАМ

ҚИБРАЙ тумани маданият уйида "Менинг оилам — менинг оламим" мавзуида ёзувчи ва шоирлар билан учрашув бўлиб ўтди. Унда оила, фарзанд тарбияси, ёшлар маънавияти, камолоти, маданияти ҳақидаги фикрлар ўртага ташланди.

Учрашувда Ўзбекистон халқ ёзувчиси, "Миллий тикланиш" газетасининг бош муҳаррири Иброҳим Ғафуров, Ўзбекистон халқ шоираси, "Саодат" журнали бош муҳаррири Ойдин Ҳожиева, "Муштум" журналининг масъул котибаси, шоира Кутби Носировалар иштирок этишди. Кечада ёзувчи ва шоирлар ижодларидан намуналар ўқидилар ҳамда китобхонларнинг саволларига жавоблар қайтардилар.

Кеча сўнгида туман маданият уйининг "Шалола" ашула ва рақс дастаси хонанда ва созандалари ижро этган дилрабо куй ва қўшиқлар янгради.

Шоира ҚУРБОНОВА.

ҚЎРИҚЛАР ОЧИЛМОҚДА

АНГРЕН саноат корхоналарининг турли хил чиқиндилари каттагина майдонларни эгаллаб ётипти. Кейинги йилларда бундай жойларни тозалаш ва асли ҳолига келтириш учун чоралар кўриляпти. Улар ўрнида ёрдамчи хўжаликлар, боғ-роғлар барпо этилмоқда, ишчи-хизматчиларга далаҳовлилари ташкил этиш учун бўлиб бериляпти.

Биргина Янги-Ангрен туман иссиқлик электр станцияси чиқиндиси ҳисобланган кулларни зичлаш ҳисобига қисқа вақт ичида 36 гектар ер майдони очилди. Бундай ерлар 3,2 гектарни ташкил этди. Кўмирни ер остида газга айлантириш станциясида ҳам бир гектар майдон тозаланди ва у ерга мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилди. Шаҳар бўйича жами 70 гектардан ортиқ ер майдони чиқиндилардан тозаланди.

Собир ҲАМИДОВ.

"АДОЛАТ" — ҒОЛИБ

"КАМОЛОТ" жамғармаси ва туман халқ таълими бўлимлари ташаббуси билан "Сиз қонунни биласизми?" умумтаълим мактаб ўқувчилари ўртасидаги кўрик-танловнинг якуний босқичи бўлиб ўтди. Танловни ўтказишдан асосий мақсад ёшлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, ёшларимизнинг ҳуқуқий билимлари даражасини оширишга қаратилгандир.

Қизғин баҳс ва мунозаралар остида ўтган кўрик-танловда Юқоричирчиқ туманидаги 6-ўрта мактабнинг "Адолат" гуруҳи беллашув ғолиби бўлди. Ўқувчилардан З. Эштоева, О. Шамсидинова, Ш. Хошимова, А. Алимуҳамедова ўзларининг ҳуқуқий билимлари, тергов ва суд жараёнларини тасвирловчи саҳна кўринишлари орқали бошқа тенгдошларидан билимдонроқ эканликларини кўрсатишди.

Тумандаги 7-ўрта мактабнинг "Умид", 9-ўрта мактабнинг "Ҳумо" гуруҳлари иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллашди. Ғолиб "Адолат" гуруҳи эндиликда вилоят кўрик-танловида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Латифжон МАНСУРОВ.

АНЖУМАН... МАКТАБДА ЎТДИ

ЧИРЧИҚ шаҳри мактабларида республикамизда биринчилардан бўлиб ҳуқуқий таълим машғулотлари йўлга қўйилган эди. Шаҳардаги 13-ўрта мактаб педагогик жамоаси бу соҳада бой тажриба эгаси эканлигини кўрсата олди.

Шаҳар бўйича ҳуқуқий билимларни ўқитишга бағишланган анжуманнинг айнан мазкур билим ўчоғида уюштирилиши боиси ҳам шундан эди. Ушбу таълимий тадбирда халқаро ЮНЕСКО ташкилотининг Ўзбекистондаги вакили иштирок этди.

Семинар қатнашчилари қатор дарсларда иштирок этдилар. Анжуманни ташкил этишда Чирчиқ шаҳридаги рус маданияти маркази фаоллик кўрсатди. Марказ мактабга ҳуқуқий билимларга доир адабиётларни ўз ичига олган кичик кутубхона совға қилди.

Акбар АЛИЕВ.

УСТОЗ ТЎЙИГА ТАРАДДУД

ЎЗБЕКИСТОНДА халқ таълими ривожига муносиб ҳисса қўшган устод, республика халқ ўқитувчиси, "Алифбе" дарслигининг биринчи муаллифи, марҳум олим Оқилхон Шарофиддинов ўз фаолиятини Ўртачирчиқ туманининг маркази — Тўйтепадаги мактабда бошлаган эдилар. Кўп йиллик хизматлари давомида у яна қатор ўқув қўлланмалари ёзиб, минг-минглаб ўқитувчилар ва ўқувчилар ёдида қолди.

Бошланғич таълим муаллимининг таваллудига яқинда юз йил тўлади. Бу қутлуғ сана республикамизда кенг нишонланади. Шу муносабат билан Ўзбекистон халқ таълими вазирлигида унинг юбилейини ўтказиш бўйича тузилган махсус комиссиянинг дастлабки йиғилиши бўлиб ўтди. Унда бу тадбирга тайёргарлик ишлари қизғин бошланиб кетганлиги қайд этилди. Хусусан, "Шарқ" нашриёт-матбаа концерни зиёкорнинг босиб ўтган ҳаёт йўли ҳақида ҳикоя қилувчи китобни босмадан чиқарди. Айни пайтда устоз фаолиятига бағишланган видеофильм ҳам суратга олинмоқда.

Али АКБАРОВ.

8-март халқаро хотин-қизлар куни

Аёл олами

БУНИ ҲАЁТ ДЕЙДИЛАР

УМР йўлининг танг кўчалари ҳам бўларкан. Худди кенг кўчалари сингари, Кенг кўчаларда бағримиз тўлиб, яйраб одим ташлаймиз. Жумбоқли сўқмоқларга дуч келганда эса... Бахтимизга оналаримиз, бувижонларимиз омон бўлсинлар. Улар биз фарзандлар оғир синовларга рўбарў келганда, ўйдим-чуқур йўллардан ўтиб-ўтолмай иккиланиб қолганда ўзларининг ҳаёт тажрибалари ва панд-насиҳатлари билан бизга кўмакка келадилар, қўлларимиздан тутиб ёруғ кўчаларга етаклайдилар. Ана шундай эъзозли, табаррук онахонлардан бири бекободлик Буойша ая Жуманазаровадир. Умр бўйи оддий ишчи касбини улуғлаган, ўн фарзандни одобли, меҳнатсевар қилиб тарбиялаган ая билан байрам арафасида суҳбатлашдик.

Оналаримиз — парвоналаримиз

— Оила мустаҳкамлиги деганда мен, аввало, аёлнинг сабр-тоқатини, фахму-фаросатини, меҳнатга уқувини тушунаман. Кўпинча ана шунга қараб оиланинг келажагини тасаввур қилса бўлади, — дейди онахон. — Айниқса, катта хонадонга тушган келинларнинг бир-бирларига муносабатида гап кўп. Каттага қараб кичиклар қадам ташлайди. Мана, ўзимдан қиёс. Икки кенжа келинимни бараварига туширдим, деб ҳовлим тўлганидан этимга сиғмай кетибман-у, энг каттам — "оёқ-қўлим" бўлиб қолган келиним Эркинойнинг рўзғорини шоша-пиша ажратиб берибман. Бозорга чиқаман, тирикчилик деб. Қайтиб келсам, рўзғордаги ишлар гоҳ тузук бўлса, гоҳ кўнглимдагидек бўлмайди. Келинларим ёш-да, нон ёпишгаям сал уқувсизроқ, келган меҳмонни сийлашга ҳам тортинчоқлик қилишади. Ўрганиб қолишар, деб "арқонни узун" ташлайман...

Бир куни янги келинларимдан бирининг онаси келиб қолди. Ўзим ҳам эндигина кўчадан қайтгандим. Келинларнинг бири хамир қилиб, бири нон ёпган экан. Нонларининг бирортаси тандирдан "соғ" чиқмабди. Югуриб чиқиб, нон харид қилиб келишди. Кеч киргач, нонга хамир қоринглар десам келинлар бир-бирларига қарашади. Тандирнинг олдига борсам... бир қанча пишиб улгурмаган нонлар кулга оқибди. Ҳечқиси йўқ, бошида ўзи шунақа бўлади, деб уларнинг дилига озор бермадим. Буни сезиб қолган қудам эса изза чекди, қизини қойиди. Қарасам бўлмайди. Ёш келинларимга рўзғорда ўргатувчи керак. Эркинойни тўрт фарзанди билан вақтинча кўчириб олиб келдим. Овсинларига иш ўргатди, уларни йўлга солди. Ҳозир кичик келинларим Эркинойимдан ўтса-ўтадики, асло қолишмайди. Ҳаммалари меҳнаткаш, эсли-хушли.

Худога минг қатла шукр, қариганда фарзандларимизнинг ҳузур-халоватини кўриб ўтирибмиз. Барчасига бошпана қилиб берганмиз. Куёвларимни ўғлимдай, келинларимни қизимдай кўраман. Ўнта қудамнинг ҳаммаси билан боришли-келишлимиз. Беш ўғил, беш қизимнинг каттаси 45 ёшда, кичиги 23 да. 40 нафар набирам бор. 6 нафар эваралиман. Даврада баъзан ҳазиллашиб Фармонбиби дейишади. Байрамларда йиғилсак уйимиз нақ тўйхонага айланади. Болаларимнинг отаси қувонганидан ош дамлашга бел боғлайдилар. Шундай пири-бадавлат умр учун шукроналар қиламиз.

Она — барибир она-да. Мен болаларимни яхши кўраман. Болаларим эса — боласини. Фарзандини севган ўғил-қиздан ёмонлик чиқмайди. Аксинча, ота-онани қадрлайдиган бўлади. Меҳр-оқибатни тушунади. Уларнинг юрагига меҳр-оқибат деган тушунчани сингдира олибмизми, демак биз — ота-оналар жигарбандларимизнинг иззат-икроми ва муҳаббатига ҳамиша сазовордирмиз. Оллоҳ қариганда ана шундан кам қилмасин.

Суҳбатдош:
Тўхтанисо ЖЎРАБЕКОВА.

ҲИКМАТЛАР ГУЛДАСТАСИ

● БЕШИК қошида фалак моҳи ёйдай эгилган, алла айтиб турган аёл руҳи Аллоҳ меҳробига тенгдир. Бундай аёлни ранжитмоқ, дилига озор бермоқ, жаҳаннамни соғинмоқдир.

● ЎЗИГАГИНА суянган аёл асло заифа эмасдир. Сабр ва қаноатнинг аёли бўлган заифаларни ожиза деб бўладими? Бундайлар чин маънодаги улкан инсонлардир.

● ОҚИЛА аёл ўз бахтининг буюк меъморидир.

● АЁЛ киши ўз поклиги ва номусини қўлдан бой бермаса, у тўғри ва бахтли ҳаётга ҳақли. Аёл учун энг гўзал безак — ҳаёдир.

● ФИСҚУ-фужур ғамхонасига ўт қўйгувчилардан бўлгин. Икки аёлни ғийбат ва майда гап-сўз бирлаштириб турса, ундайлар уйидан қирқ кун ҳайру-баракот кўтарилгай.

● ҚАНОАТЛИ аёллар энг бахтли аёллардир. Сен турли жавҳарлар ва олмослардан кечгин-у, қаноат жавҳарига эгалик қил. Охиратнинг майдони Сенинг қаноатингдан ёришгай.

● ҲОСИЯТЛИ аёлларга бахтсизлик қора панжасини чўзгувчи бўлади. Бу бахтсизлик тузоғидан омон ўта олиш, фақат, қаноат ва камолот соҳибаларининг қўлидан келади. Чунки, улар ўзларига боққан бахтсизликдан ҳам бахт чечагини изловчи меҳр боғбонларидирлар.

● АЁЛЛАРГА тобеълик хосдир. Эркак кишини кўркам қилгувчи фазилат эса тафаккурга ҳукмронликдир. Бундан четга чиқилса, ер юзидаги барча қонуниятлар ўзгариб кетади.

● ОНАНИНГ ўз фарзанди қошида бир тун мижжа қоқмай чиққанини фарзанд етмиш йил бедор бўлатуриб ҳам уза олмагай. Она меҳри ҳамиша улуғдир.

ТАЪЗИМ

ДУНЁ ГЎЗАЛЛИГИ СИЗ БИЛАН...

ҲА, ЁРУҒ ОЛАМДАГИ борки гўзаллик, бахт ва мунавварлик Сиз аёллар туфайли. Сизлар борки, ҳаёт бор, бунёдкорлик ва келажак бор.

Аёллар чин маънода ватан кўрки ва қудратидир. Ҳар бир соҳада, ҳар бир меҳнат жабҳасида фидокор, вафодор, тадбиркор аёлларни учратиш мумкин. Вилоятдагина эмас, ҳатто, республикамизда салмоқли ўрин тутадиган Бекободдаги "Ўзметкомбинат" саноат корхонасида ҳам ана шундай фидойи хотин-қизлар кўпчиликни ташкил қилади. У ердаги электрда пўлат эритиш цехи комбинат иқтисодиётини мустаҳкамлашда катта аҳамият касб этади. Жамоадаги юздан зиёд ишчи аёллар эса нафақат ишлаб чиқаришда, балки оилада ва жамоатчилик орасида ҳам фаол ва эъзозлидирлар.

Одинахон Деҳқонова мазкур цехда ўн йилдан бери кран машинисти бўлиб ишлайди. Оператор Жамила Маисеева ҳам ҳамкасбларига намуна. Машинист Саида Шарипова эса смена топшириқларини ҳамиша 100—110 фоизга адо этади. Розияхон Юнусова оҳак тайёрлаш бўлимида илғорлардан. Хуллас, ўзларининг меҳнатсеварлиги, зукколиги билан эркакларга ҳам намуна бўлаётган бундай аёлларни яна кўплаб мисол келтириш мумкин.

Бир кеча-кундузда минг тонналаб пўлат эритмаси олишга эришаётган металлурглар фаолиятининг заҳматини, машаққатини тасаввур этиш қийин эмас. Аммо мана шундай оғир ишнинг уддасидан чиқаётган нозик қалбли, матонатли ўзбек аёлларининг меҳнатига тасанно айтмай илож йўқ. Уларнинг шижоати туфайли комбинатда кўплаб қимматли пўлат маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.

Биз йигитлар комбинатда меҳнат қилаётган уч минг нафардан зиёд хотин-қизлар қатори, вилоятдаги барча меҳр-одобга бой, меҳнатга чанқоқ, юрт иши учун фидойи опа-сингилларимизни байрам билан табриклаймиз. Уларга қаддингиз ҳамиша баланд бўлсин, бизнинг бахтимизга омон бўлинглар, дегимиз келади.

Турсунали УСМОНОВ.

ТИЛИМИЗДАН БОЛ ТОМСА...

Мулоҳаза

ҲАММА оналар учун ҳам оиладаги энг масъулиятли юмуш — бу бола тарбиясидир. Бу масъулият замирида шак-шубҳасиз, болаларнинг истиқболи ётади. Донишманд халқимизнинг "эканингни ўрасан" деган пурмаъно сўзини негадир кўпроқ бола тарбиясига боғлагим келади. Аслида ҳам шундай эмасми?

Шодия опани йўқлаб кирсам, кўпинча болаларидан нолиниб, куйдим-пишдим ҳолатда турганини кўраман. Шу тўрт бола мени сил қилади ҳали, дейди у фиғони фалакка ўрлаб. Собирнинг кесаклигини кўрсанг, Умиднинг суллоҳлиги-чи, уф, бир иш буюрсам "ўзинг қил ёки бир сўм бер, беш сўм бер", дейди бақрайиб бетинг кўчгурлар. Анов оғзингдан қонинг келгур Дилдорни айтмайсанми, бир челак сув обкеб берса озиб қолади, ўзига оро беришдан бошқага ярамайди бу... Ҳали кўрасан, етти эшикка кириб чиқади бу...

Нима иш билан кирганинг ҳам ёдингдан кўтарилиб кетади бунақада, бисмиллони қарғишдан бошлаётган Шодия опанинг оғзига анграйиб тикилиб қоламан. Қарғаниб-қарғаниб, тўсатдан йиғлашга тушиб кетади. Эридан эшитган сўкиши-ю, маломаларини бир-бир тўкиб солади. Асаблари толиққан бу аёлга ҳарчанд тасалли беришга тутинмайин, унинг дийдиёси тугамайди...

Бола бошидан, деганлари рост экан. Кичкина Рашиднинг қўлидаги нон ушоқлари айвон саҳнига тўкилиб ётибди. Бола бола-да, ўтириб ейишга ақли етмаса, Умиднинг чоки сўкилган шимини на онаси, на опаси тикиб беради? Собирнинг сочи елкасига тушай-тушай деб ҳурпайиб ётибди. Бола ўз билигича сочини олдирармиди? Юрак ютиб ётиғи билан "Шодия опа, болаларингиз шўҳроғ-да, улгайса қуюлиб қолар, эркалаб, босиқроқ муомала қилсангиз қулоғигача гап кирар», дегудек бўп қолсанг борми? «Вой, кўрмайсизми, ҳам уйнинг тирикчилигини қилсам, ҳам далага чиқсам, ҳам бозор-ўчарга югурсам... Қариб адойи-тамом бўлдим-ку», деб баттар юрагингизни ғашлайди. Луғатидаги жамики қарғишларни тўкиб солади, душманингга ҳам раво кўролмайдиган тубан сўзларни эшитиб, сесканиб кетасан, киши. Болани бир муддат онасиз тасаввур қилиб кўринг-чи? Айниқса муғаклигида, кўплаб оналаримиз боласи ёшига тўлар-тўлмас ишга тушиб кетаётганлари ҳам, эрта-ю кеч тирикчилик ғамида аёлларимизнинг бозорга чиқаётганлари ҳам болаларимиз тарбиясига таъсир қилмаяптими?

Кенг кўча бўйлаб бораётган ўқувчи қизларга бир болакай тинимсиз тегажоғлик қилар, қўлидаги сувпуркагичдан сув пуркаб уларни қувиб борарди. Ёши улуғроқ бир киши уни тўхтатиб "қиш кунида топган эрмагинг шу бўлдими, болам", деди-ю, балога қолди. Бола юлқиниб чиқиб, шунақанги хунук сўкиш қилдики, ҳалиги одам атрофдагилардан мулзам бўлдими, ҳайф яхши гап, кимнинг ўғли бу ўзи? — дея олди холос.

Суриштириб билсам, боланинг отаси ҳам, онаси ҳам ўқитувчи экан! Оилада биргина боласини одобга чақиролмаган кимсалар қандай қилиб, 30-40 нафар болага мураббийлик қила олиши мумкин, деган титроқли савол оғушида қоласан, киши.

Болаларимизни билиб-билмай ўзимиз таъмагирликка, андишасизликка ўргатамиз. Ҳавас қилса арзигулик хонадонлар ҳам бисёр, аммо ўзларини тирикчилик бағрига отиб, балоғат ёшига етмаган болаларини қаровсиз қолдираётган ота-оналар ҳам йўқ эмас. Ёмон тарбия олган болалардан ёмон феълли кишилар етишиб чиқади. Қанийди, оналаримиз кўпроқ вақтини болалари даврасида ўтказишга кенг имкон топсалар, шоир айтганидек, "боласини деб яшайди ўзбек" деган сатрлар қўрғошиндек уларнинг дилларига қуюлса! Ўз навбатида қизимиз қорачиқлари — фарзандларимиз ҳам ота-оналарининг ғанимат умрини нурафшон этиб, дуои-фотиҳаларини олиб яшашса. Фарзандларимиз дили-жигаримизнинг бир бўлаги, аслида ҳам уларни деб, камолини тилаб яшаймиз. Қанийди, тилларимиздан томган болдан дилбандларимизнинг мурғак юракчалари эриб, фақат эзгуликка рафтор очсалар.

НИГОРА ЖАЛОЛИДДИН қизи.

Дил дафтари

МАЖНУНТОЛ СОЧИНИ СИЛАДИ СОЙЛАР

Мен сени соғиндим афсунгар баҳор.
Кўзимнинг тафтидан унди майсалар.
Ишқнинг этагини тутганим бекор,
Ахир чап кўксимда ҳижрон улғаяр.
Мен сени соғиндим...

Офтоб шевасида билмам, не сеҳр,
Оғочлар гулласа шамол лабида.
Ойнинг оқ нурига осилдим бир-бир,
Лек учдим армонлар арғумчоғида.
Мен сени соғиндим...

Мажнунтол сочини силаган сойлар,
Офтобнинг аксини олиб кетдилар.
Мен кутган, сен ютган сўз — эркатойлар,
Ялпизнинг исида қолиб кетдилар.
Мен сени соғиндим...

Атрофга баҳормас, ишқ бу сочилган,
Куртаклар кўз ёрар... Тугайди бардош,
Қара, соғинчимнинг сувратин чизар,
Қалдирғоч кўзидан томган қатра ёш...
Мен сени соғиндим...

ФОЛБИН ҚИЗГА

Ишонай, бир сўз айт нурли, ёруғли,
Қоронғу кўнгилнинг кулбасин очай.
Дунёнинг ғамсизроқ чеккасин кўрсат,
Тиконли йўллардан, мен қочай, қочай.

Сирли нигоҳларинг тушовини ол,
Зада вужудимнинг оғриқ жойидан.
Қисматдан сўз очма, очмай қўя қол,
Агар осмон кечган бўлса ойидан.

Манглайдаги ёзув рўё деб айтгин,
Афсунгар игнангни кўксимга қада.
Агар бир ишқ дея алданган бўлсам,
Фолчи қиз, кел, мени яна бир алда...

Ишонай бир сўз айт, нурли, ёруғли...

Моҳинисо КАМОЛОВА.

ФИРМА ТУҲФАСИ

ТОШКЕНТДАГИ "Лола" атир-упа фирмаси жамоасининг халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан махсус чиқараётган "Сўғдиёна" ва "Шаҳризода" атирлари ўзининг ажойиб хуш бўйи билан аёлларга муносиб совға бўлмоқда.

СУРАТЛАРДА: тайёр маҳсулотни саралаб берувчи Гўзал Қоюмова, Дилфуза Жумаева, Зилола Файзиевалар ҳамиша дид билан ишлашга ҳаракат қиладилар; "Лола" атир-упа акционерлик жамиятида чиқарилаётган маҳсулотлар.

Собир ЗУФАРОВ суратлари.

ОЛАМ ҲАФТА ИЧИДА

МАМЛАКАТЛАР • ОДАМЛАР • ВОҚЕАЛАР

БАНКЛАР БИЛАН ЯНГИ ШАРТНОМА

ОВРУПО тикланиш ва тараққиёт банкининг Лондондаги қароргоҳида Ўзбекистон делегацияси билан жаҳон банки ҳамда Оврупо тикланиш ва тараққиёт банки ўртасида "Тошкент шаҳрида санитар-тозалик тизимини такомиллаштириш" лойиҳаси бўйича музокаралар бўлиб ўтди.

Маълумки, халқаро молиявий муассасалар республикамизга ҳорижий сармояларни жалб этишда муҳим ўрин тутмоқда. Бўлиб ўтган музокараларда республикамиз пойтахтида санитария-тозалик тизимини такомиллаштириш лойиҳасини Жаҳон банки ва Оврупо тикланиш ва тараққиёт банки (ОТТБ) томонидан молия билан таъминлаш, саноати ривожланган мамлакатлар тажрибасига таянган ҳолда илғор ҳорижий технологиялардан фойдаланиш тўғрисида сўз борди.

Ўзбекистон ҳукуматига бериладиган қарзнинг умумий ҳажми 45 миллион

ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОН

АҚШ долларини ташкил этади. Ундан 24 миллион доллари Жаҳон банки, 21 миллиони эса ОТТБ томонидан тақдим этилади. Қарз олувчи томон Тошкент шаҳар ҳокимияти ҳисобланади.

Аҳдлашилган музокаралар протоколини Ўзбекистон Республикаси макроиқтисод ва статистика вазирининг ўринбосари Б. Хўжаев ва Жаҳон банкининг Оврупо ва Марказий Осиё бўйича қишлоқ ва атроф-муҳитни сақлаш департаментининг экология соҳаси бўйича бош муҳандиси Р. Бетстоун имзоладилар.

Протоколда музокаралар чоғида муҳокама этилган ҳужжатлар 1998 йил май ойида бўладиган Жаҳон банки директорлар кенгашига тасдиқлаш учун тақдим этилиши кўзда тутилди. Яқин кунларда баайни ана шундай ҳужжатлар Оврупо тикланиш ва тараққиёт банки раҳбарияти билан ҳам мувофиқлаштирилади.

Жамшид МУТАЛОВ,
"Жаҳон" АА мухбири,
Лондон.

Воқеалар тўлқинида

▶ БМТ Ҳавфсизлик Кенгаши Бош котиби Кофи Аннан раҳбарлигида БМТ билан Ироқ ўртасида тузилган шартнома — ўзаро тушуниш меморандумини маъқуллади.

▶ РУСЛАН Аушев бўлиб ўтган президентлик сайловларида Ингушистоннинг қайтадан президенти этиб сайланди. У аҳолининг 70 фоиз овозини олиб, тўққиз нафар мухолифларидан анча ўзиб кетди.

▶ ОЛМОНИЯНИНГ Жанубий Саксония ўлкаси бўлажак сайловларда мамлакат канцлери лавозимига ўзларининг бош вазири Герхард Шрёдерни номзод этиб кўрсатдилар.

▶ МАРТ ойининг охирларида Украинада парламент сайловларининг ўтказилиши аниқ бўлди. Бироқ, сайловолди "олишув"ларида кўнгилни хира қиладиган воқеалар тобора кўпаймоқда. Жумладан, яқинда Одессада "қўлбола" бомба портлаши натижасида тўрт киши ҳаётдан кўз юмди. Маълум бўлишича, улар депутатликка ўз номзодларини қўймоқчи бўлган эканлар.

▶ ИНДОНЕЗИЯДАГИ молиявий инқирозни бартараф этиш учун Халқаро Валюта Фонди бу мамлакатга 40 миллиард доллар қарз берган эди. Президент Сухарто бу маблағларнинг жўнатилиш жараёнини тезлаштириш лозимлигини илтимос қилган эди. Аммо, долларлар ҳанузгача Жакартага етиб келгани йўқ. Бунга айрим йирик давлатлар раҳбарларининг 76 яшар Сухартонинг бўлажак президентлик сайловларида ўз номзодини қўйишга розилик берганлиги сабаб бўлмоқда, дейиш мумкин.

▶ АФҒОНИСТОН ва Тожикистон туташ худудларида чегара можаролари-га чек қўйиш қийин кечмоқда. Ўтган сешанба куни яна чегара бузилди. Афғонистон томондан келган икки нафар кишининг бири ҳалок бўлди, иккинчиси яраланди. Уларнинг ёнидан 30 миллион доллар турадиган гиёҳвандлик моддалари топилди.

▶ ЯПОНИЯДА машъум "Аум Синрикё" диний мазҳаби вакиллари устидан суд бошланди. Улардан дастлабкиси — И. Хаяси деган йигит энг оғир жазо — ўлимга ҳукм этилди.

БИР КУРСИДАН ИККИНЧИСИГА

ҲАР ҚАНДАЙ давлат идоралари тизилмасида Хавфсизлик Кенгашлари алоҳида нуфузга эга бўлади. Россия Федерациясида ҳам шундай. Лекин, кейинги йилларда бу маҳканинг бошлиқлари тез-тез ўзгариб турди. Ўтган йили Александр Лебеддан сўнг мазкур кенгаш котиблигига Давлат Думасининг собиқ раиси Иван Рибкин тайинланган эди. Ўтган давр мобайнида қатъиятлик, босиқлик, узоқни кўра билишлик, сермушоҳадалик, адолатпешалик фазилатлари унга хос бўлди. Бироқ, яқинда яна раҳбар ўзгарди. Энди бу ташкилотни мудофаа вазирлигида кўп йиллар давомида юқори мартабали лавозимларда ишлаб келган генерал Андрей Кокошин бошқариши маълум бўлди.

И. Рибкин тақдири бир неча кун мавҳум бўлиб турди. Кейин унинг бошқа ишга кўтарилганлиги — бош вазир ўринбосари этиб тайинланганлиги эълон қилинди. У Валерий Серов ўрнига ўтирди. Президент И. Рибкинга Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги муаммолари билан шуғулланишдек анча мушкул вазифани топширди. Чунки, бултур Кишиневда МДҲнинг тагига анча-мунча "сув кетганидан" айрим раҳбарлар ташвишга тушиб қолган эдилар. Президент Б. Ельцин ҳам ҳамдўстликни мустаҳкамлаш йўлини тутди. Аммо, кўрилган чоралар ҳадеганда самара бермади. С. Серов айбдор деб топилди.

Айни пайтда МДҲга аъзо бўлган давлатларнинг яқинда бўладиган учрашувига катта умид боғланмоқда. Узилган ришталарни қайта улашга муваффақ бўлинармикин?! Бу савол ҳозир кўпчилик миясида чарх урмоқда.

ШВАРЦЕНЕГГЕР ОЖИЗ ҚОЛГАНДА

БУ МАШҲУР кино "юлдузи"ни танимаган одам борми? У ўйнаган барча фильмларида ғалаба қилувчи қаҳрамонлар қиёфасини гавдалантирган. Аслида ҳам шундай. Арнольд ҳаётда ҳам жисмонан энг кучли инсонлардан бири ҳисобланади. Лекин, яқинда бўлиб ўтган бир воқеа унинг обрўсига жиндай путур етказди.

Гап шундаки, А. Шварценеггер рафиқаси Мария Шрайвер билан биргаликда беш яшар ўғилларини мактабга кузатишаётган эди. Машинани ҳомиладор Мария бошқарди. Бир маҳал уларнинг "Мерседес"ини тўсатдан иккита «Джип» «қайчига олиб» тўхтатди. Ундан тушган папарацциллар, яъни "донгдор"ларни суратга олувчи кимсалар "хужум"га ўтдилар. Фотоаппаратлар тинимсиз чиқилларди. Баҳодир Арнольд эса жойидан қимирлай олмасди. Чунки, унинг юраги яқинда операция қилингай, тикилган иплар ҳали олинмаган эди. Шу боис паҳлавон ожиз қолди. Бироқ, у бир ишни қойилмақом қилган экан. Арнольд ўз "душманлари"ни фотокамера орқали "таниб қолишга" улгурган экан.

А. Шварценеггер 29 яшар Ж. Гэррисон ва 31 яшар Э. Оъбрайенларни судга берди. Лос-Анжелес шаҳар суди уларнинг гуноҳини бўйнига қўйди. Эндиликда бу икки йигитни икки йиллик қамоқ жазоси кутмоқда.

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

▶ АУГУСТО Пиночет XX асрдаги Чили ҳукмдорларидан энг даҳшатлиси бўлди. У Сальвадор Альенденинг ҳокимиятини ҳарбий тўнтариш қилиб, ағдарган эди. Ўша кезларда маълум-номаълум анча-мунча одам қирилиб кетди. Яқинда Аргентина маъмурлари бу мустабид — собиқ президентга нисбатан жиноий иш қўзғади. У 1974 йилнинг сентябрь ойида Чили армиясининг қўмондони, генерал Карлос Пратсни маҳфиёна ўлдиришда айбланди.

▶ ЎТА ҲАВФЛИ жиноятчиларни тутиш билан шуғулланувчи халқаро "Интерпол" ташкилоти 1975 йилда Бангладеш Халқ Республикаси асосчиси Мужибур Раҳмонни ўлдиришда айбланган тўққиз нафар жиноятчига жаҳон бўйича қидирув эълон қилди.

▶ ТОКИО яқинида жойлашган "Қунитати" меҳмонхонасидан уч нафар йирик сармоядорнинг ўлиги топилди. Таҳминларга қараганда, бу бизнесменлар зиммасига тушган жуда катта қарзларидан қўрқиб, ўзини ўзи осишга мажбур бўлганлар.

(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

ДУШАНБА, 9

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.30 «Ҳафтанома».
*
8.30 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Амир Темур»
9.00 «Ҳамма кўриши шарт... эмас». Мусиқий дам олиш дастури.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
10.30 «Жаҳон киноси юлдузлари».
10.50 «Бу ҳам кино». Сериал.
12.05 «Омад юлдузи». Телевизион ўйин.
12.35 «Спорт, спорт, спорт».
12.50 «Қузя учун уй». Мультфильм.
13.10 Телевизион миниатюралар театри.
14.05 Ўзбекистон телерадиокомпанияси камер оркестрининг концерти.
14.35—15.05 «Чироғи ёниқ уй». Телетанлов.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Қора қуён». Мультфильм.
18.20 «Футбол майдонларида».
18.40 «Зийнат».
19.05 «Олам ва одам».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.15 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 Биржа ва банк хабарлари.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Муҳаббатимни куйлайман». Мусиқий дастур.
21.35 «Адолат». Ҳуқуқий-публицистик кўрсатув.
22.20 Диққат, премьера: «Мардикор». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли. 1-қисм.
23.30 «Ахборот».
23.55—24.00 Ватан тимсоллари.

II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи» (рус тилида).
18.15 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.35 «100 йиллик саргузаштлар давомида». Телесериал.
19.05 «Ойдин қадамлар».
19.20 Оҳанглар ва эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.55 «Туризм ҳақида».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Олтин мерос».
21.15 «Санта-Барбара». Телесериал.
22.00 «Бешинчи ўлчов».
22.20 «Бурч ва масъулият».
22.30 «Даракчи» (рус тилида).
22.40 Оҳанглар ва эълонлар.
22.50 «Ёш Индиана Джонс хроникаси». Телесериал.
23.40—23.45 Тунингиз хайрли бўлсин!

III

18.15 Янгиликлар.
18.20 «Қувноқ тароналар». Мультфильм.
*
Россия жамоат телевидениеси. 18.35 — 23.35
***
23.35 Эълонлар.
23.40 «Дунёқараш». Тележурнал.
24.00—00.20 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мульттомоша».
19.05, 22.00 — Эълонлар.
19.10 «Морена Клара». Телесериал.
19.55 «Жаҳон».
20.15 «Чинор» видеоканали: «Умид», «Айчурек», «Якташлар».
*
21.15 «Мусиқали танаффус».
21.20 «Ҳамкорлик».
21.40 «Намастэ».
22.05 Кинематограф. «Оқ ажал».
23.25 «Спорт-тайм».
23.55—00.05 «Хайрли тун!».

СЕШАНБА, 10

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Аёл қалби наволари». Мусиқий дастур.
9.10 Биржа ва банк хабарлари.
9.25 «Бокира туйғулар».
9.40 «Олам ва одам».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 Болалар учун. «Кичкинтойлар масканида».
10.25 Инглиз тили.
10.50 «Мардикор». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли. 1-қисм.
12.05 «Қувноқ алдоқчи». Мультфильм.
12.15 «Излаган имкон топар...».
12.40—14.00 Кундузги сеанс. «Энг жозибали, энг латофатли қиз». Бадиий фильм.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Табиат алифбоси».
18.25 «Кафолат».
18.40 Эстрада тароналари.
19.00 «Менда фикр бор». Тадбиркорлар телевизион клуби.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 21.25 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Биламиз-у, аммо...»
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Мухлис ёхуд қўшиқ изидан...»
21.30 «Акс-садо».
22.00 Диққат, премьера: «Мардикор». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли. 2-қисм.
23.00 «Пардали гап»
23.30 «Ахборот».
23.55—24.00 Ватан тимсоллари.

II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.35 «Еввойи ҳайвонот олами».
19.00 «Сеҳрли ўлка ҳақида ҳикоя». Британия.
19.20 Оҳанглар ва эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.55 «Янгиланиш».
20.10 «Онагинам».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Очун».
21.25 Кундалик.
21.35 «Спорт қитъаси».
22.00 «Даракчи».
22.10 Оҳанглар ва эълонлар.
22.20 Кинонигоҳ. «Джеймс Бонд — агент 007.»
00.05—00.10 Тунингиз хайрли бўлсин!

III

18.15 Янгиликлар.
*
Россия жамоат телевидениеси. 7.30 — 9.00
* * *
18.20 — 21.40
*
21.40 «Нафосат олами». Телефильм.
*
Россия давлат телевидениеси. 22.00 — 22.30
*
22.30 Эълонлар.
22.35 «Муҳаббат ва ҳаёт». Бадиий фильм (Франция).
00.05—00.25 «Ахборот (рус).

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мульттомоша».
19.05, 21.50 — Эълонлар.
19.10 «Муҳаббат тарихи». Телесериал.
19.55 «Сен ҳақингда ва сен учун».
20.10 «Мусиқий дақиқалар».
20.15 «Солиқ ҳақида сабоқлар».
20.30 «Ўйингоҳ».
20.50 «Мусиқий парча».
20.55 «Телефакт».
21.05 «Халқ саломатлиги йўлида».
21.30 Хит-коллекция.
21.55 «Қувноқ кино».
22.55—23.05 «Хайрли тун!».

ЧОРШАНБА, 11

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Бастакор илҳоми».
8.55 «Алпомиш авлодлари». Спорт дастури.
9.15 «Ҳа-ҳа-ҳа». Ханда, ҳажвия, ҳангома.
9.40 «Жараён».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Инсон ва замин». Тележурнал.
10.25 «Мардикор». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли. 2-қисм.
11.25 «Бармоқлар сеҳри».
11.45 «Ёшлик» студияси. «Мулоҳаза, мунозара, муносабат».
12.05 «Маърифат маскани».
12.30 Кундузги сеанс. «Кўчатлар». Бадиий фильм.
14.05—14.25 «Мулоқот». Адабий кўрсатув.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Қўзгу». Тележурнал.
18.30 «Ислоҳот одимлари».
18.45 «Янграсин шўх яллалар».
19.05 «Фермер». Тележурнал.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 21.50 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Ранглар жилоси»
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
21.20 «Сен кутган баҳор». Мусиқий дастур.
21.55 «Ватанни севмоқ иймондандир».
22.25 «Саҳна ҳаёти».
23.00 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Диққат, мотор!». Видеофильм премьераси. 1-серия.
23.30 «Ахборот».
23.55—24.00 Ватан тимсоллари.

II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи» (рус тилида).
18.15 Жаҳон халқлари эртаклари.
18.35 «ХХ аср жиноятлари». Телесериал.
19.10 «Дойче Велле» тақдим этади...
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Жозиба».
20.10 «Нафис мажлислар».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Хонадон».
21.20 «Санта-Барбара». Телесериал.
22.10 «Даракчи» (рус тилида).
22.20 Оҳанглар ва эълонлар.
22.30 «Буюк изқуварлар. Коломбо». Сериал.
00.05—00.10 Тунингиз хайрли бўлсин!

III

18.15 Янгиликлар.
*
Россия жамоат телевидениеси. 7.30 — 9.00
* * *
18.20 — 21.40
*
21.40 «Шоҳсупа сари йўл». Спорт дастури.
*
Россия давлат телевидениеси. 22.00 — 22.30
*
22.30 Эълонлар.
22.35 «Муртад». Бадиий фильм (АҚШ).
00.05 — 00.25 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси
*
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мульттомоша».
19.05, 22.15 — Эълонлар.
19.10 «Морена Клара». Телесериал.
19.55 «Мусиқий дақиқалар».
20.00 «Спорт-лотто».
20.10 «Парвоз».
20.25 «Оҳанглар оғушида».
20.40 «Автосалтанат».
20.50 «Азизим».
21.15 «Нафосат гулшани».
21.45 «Дурдаршан».
22.20 «Олтин хазина». Ў. Умарбеков. «Қиёмат қарз» спектакли. 2-қисм.
23.20 — 23.30 «Хайрли тун!».

ПАЙШАНБА, 12

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 Лирик тароналар.
9.10 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
9.30 «Диққат, мотор!». Видеофильм. 1-серия.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Юртим жамоли». Публицистик кўрсатув.
10.30 Янги алифбони ўрганамиз.
11.00 «Ажаб саодат эрур...».

Бадиий-публицистик кўрсатув.
11.30 «Туташ томирлар».
11.45 «Чемпион сафардан қайтди». Спорт дастури.
12.05 Кундузги сеанс. «Ажал сиртмоғида». Бадиий фильм.
13.30—14.00 «Қўшиқчилик ва давр». Мусиқий дастур.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Малоҳат дарсхонаси».
18.30 «Ҳидоят сари».
18.50 «Чорраҳа».
19.05 «Ёшлар табассуми».
19.25, 20.25, 20.55, 22.10 — Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Юзма-юз».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 Бевосита мулоқот.
21.35 «Юрак кенгликларида». Ҳайрулла Лутфуллаев.
22.15 «Бирдан бир миллионгача». 2-кўрсатув.
22.40 «Дунё адабиёти».
23.00 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Диққат, мотор!». Видеофильм премьераси. 2-серия.
23.30 «Ахборот».
23.55 «Наво таралсин». Мусиқий дастур.
00.25—00.30 Ватан тимсоллари.

II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Эркатой». Болалар учун дастур.
18.35 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
18.55 «Катта танаффус». Телеўйин.
19.25. 19.50. 20.25. 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Одамлар орасида».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Мусиқа теграсида».
21.20 «Даракчи».
21.30 «Келин-қуёв». Телешоу.
22.20 Оҳанглар ва эълонлар.
22.30 Оилавий экран. «Мамлук». Бадиий фильм. (Грузия).
24.00—00.05 Тунингиз хайрли бўлсин!

III

18.15 Янгиликлар.
*
Россия жамоат телевидениеси. 7.30 — 9.00
* * *
18.20 — 21.40
*
21.40 «Шодлик тароналари». Фильм-концерт.
*
Россия давлат телевидениеси. 22.00 — 22.30
*
22.30 Эълонлар.
22.35 «Тандир, арча ва олов...». Телефильм.
22.50 Ҳинд киноси ишқибозларига: «Мисол уч мушкетер». 1-серия.
23.55 — 00.15 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мульттомоша».
19.05, 22.15 — Эълонлар.
19.10 «Муҳаббат тарихи». Телесериал.
19.55 «Сухбатдош».
20.15 «02» тўлқинида.
20.30 «Ракурс».
21.00 «Дўстим ҳақида».
21.20 «Интерспорт».
21.40 «Каталог».
21.55 «Мусиқий Олимп».
22.20 Киносалон.
23.50 — 24.00 «Хайрли тун!».

ЖУМА, 13

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Истиқлолим, сени куйлайман».
8.55 «Юзма-юз».
9.15 «Меҳр макони».
9.30 «Диққат, мотор!» Видеофильм. 2-серия.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Ёшлик» студияси. «Сени Ватан кутади».
10.30 «Соғлом авлод — соғлом миллат».
10.50 Болалар учун, «Мактублар—кабутарлар».
11.15 «Талаб ва таклиф».
11.35 Халқ ижодиёти. «Созга солдим Алпомишни».
12.05 «Маслак ва мақсад».
12.25 Ўзбек куйларидан концерт.
12.50 «Келажагимиз ворислари».
13.10—14.00 «Эртаклар — яхшиликка етаклар». «Качал-полвон». Республика қўғирчоқ театрининг спектакли.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Соябон — менинг ҳамроҳим». Мультфильм.
18.20 «Мен туғилган тупроқ».
18.35 «Қалб гавҳари».
19.00 «Дил торидан таралган оҳанг». Мусиқий дастур.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.25 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Хитойга теленигоҳ».
20.10 «Оқшом эртаклари».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Иқтисод алифбоси».
21.30 «Қарсак». Мусиқий шоу.
22.00 «Маърифатнома».
22.30 «Умр мазмуни». Ҳ. Акбаров.
23.00 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Диққат, мотор!». Видеофильм премьераси. 3-серия.
23.30 «Ахборот».
«Мунаввар дунё». Дам олиш дастури.
23.55 «Мангуликнинг икки қирғоғи». Бадиий фильм.
01.25—01.30 Ватан тимсоллари.

II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Бор экан-да, йўқ экан...»
18.35 «ХХ асрнинг улуғ жумбоқлари». Телесериал.
19.05 «Хуш келибсиз».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Сизлардан ишорат».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Ёнмаган ёзувлар».
21.20 «Санта-Барбара». Телесериал.
22.05 «Даракчи».
22.15 Оҳанглар ва эълонлар.
22.25 Бокс. Бокс. Бокс.
22.45 Саргузашт фильмлар экрани. «Геракл саргузаштлари».
00.10—00.15 «Тунингиз хайрли бўлсин!.»

III

18.10 Киноафиша.
18.15 Янгиликлар.
*
Россия жамоат телевидениеси. 7.30 — 9.00
* * *
18.20 — 21.40
*
21.40 «Мусиқа ҳамма учун». Мусиқий дастур.
*
Россия давлат телевидениеси. 22.00 — 22.30
*
22.30 Эълонлар.
22.35 «Мисоли уч мушкетер». Бадиий фильм. 2-серия.
23.35 «Сумалак». Телефильм.
23.50—00.10 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси
*
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мульттомоша».
19.05, 22.00 — Эълонлар.
19.10 «Морена Клара». Телесериал.
20.00 «Ассалом, Наврўз!».
20.20 «Маънавият ва Ислом».
20.40 «Бегойим».
21.05 «Бу бўстон аро».
21.30 «Дурдаршан».
22.05 Кинематограф. «Соқов ва муҳаббат».
23.40 Араб эстрадаси.
00.10—00.20 «Мунаввар тонг истаб».

ШАНБА, 14

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Мусиқа бўстони». Телеальманах.
9.00 «Шоҳрух» клуби.
9.20 «Диққат, мотор!». Видеофильм. 3-серия.
«Ёшлик студияси» намойиш этади:
9.50 «Талабалик йилларим».
10.15 «Маҳорат».
10.35 «Германия — музейлар мамлакати».
*
10.50 Кундузги сеанс. «Одамлар менга ишонинг». Бадиий фильм.
12.30 «Сарви хиромоним менинг». Мусиқий дастур.
13.00 «Маҳалламиз болалари». Телемусобақа.
13.40—15.40 Р. Маъдиев, Б. Умиджонов. «Оқибат». Муқимий номидаги Ўзбек Давлат мусиқий театрининг спектакли.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Инжиқ малика». Мультфильм.
18.10 «Қўшиғим, жон қўшиғим».
18.35 «Нақшларда қолган руҳим...»
19.00 «Мувозанат». Ахборот-таҳлилий кўрсатув.
19.25, 20.25, 20.55, 22.00 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.15 «Жаҳон спорти».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Ўзбекистоннинг янги тарихи».
21.25 Санъат усталарининг концерти.
22.05 Телевизион миниатюралар театри.
22.40 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Диққат; мотор!» Видеофильм премьераси. 4-серия.
23.10 «Ахборот».
«Тунги ёғду». Дам олиш дастури.
23.35 «Жан Кристофф». Бадиий фильм. 3—4-сериялар.
01.05—01.10 Ватан тимсоллари.

II

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Бор экан-да, йўқ экан...»
9.20 Саргузашт фильмлар экрани. «Геракл саргузаштлари».
10.45 «Хуш келибсиз».
11.05 «Сизлардан ишорат».
11.35 «Таурас куч тўпламоқда». Телесериал.
12.25 «Бенни Хилл шоуси».
12.50 Бокс. Бокс. Бокс.
13.10 «Нью-Йорк». Телесериал.
*
14.00 Кўрсатувлар дастури.
14.05 «Мусиқа теграсида».
14.25 «Сансет Бичнинг муҳаббати ва сирлари». Телесериал. (АҚШ).
15.15 «Эгиз қўшиқлар».
15.35 «Спорт қитъаси».
16.00 «Учрашув».
16.30 «Жонни Квест саргузаштлари». Мультфильм.
16.50 «Ўргимчак тўри». Телесериал.
17.40 Шарқ тароналари.
* * *
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Боланинг тили».
18.30 «Сувости дунёсига саёҳат».
19.00 «Таянч»
19.15 «Гулдаста». Мусиқий дастур.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Бизнес-академия».
20.10 «Жозиба».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Даллас». Телесериал.
21.50 «Даракчи».
22.00 «Хонадонингизга осойишталик тилаймиз».
22.30 Мумтоз наволар.
22.40 «Спорт қитъаси».
23.05 Оҳанглар ва эълонлар.
23.15 Комедияли фильм экрани. «Гудбай, Чарли!»
00.55 — 01.00 «Тунингиз хайрли бўлсин!».

III

18.10 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
*
Россия жамоат телевидениеси. 18.20 — 23.50
*
23.50 Эълонлар.
23.55—00.15 «Баҳор байрами». Телефильм.

IV

10.00 «Рақслар қанотида».
10.20 Эълонлар.
10.25 «Биргаликда куйлайлик».
11.10 «Шанба эртаги».
12.20 «Биз жазни севамиз».
12.35—13.05 «Кросс-Роудс» кафесига хуш келибсиз. («Америкага бир назар» кўрсатувига илова: инглиз тили ҳамма учун).
* * *
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мульттомоша».
19.00, 21.55 — Эълонлар.
19.05 «Муҳаббат тарихи». Телесериал.
19.50 «Шанба оқшомида».
20.00 «Далил ва шарҳ».
20.15 «Авторейд».
20.25 «Спектаклдан сўнг».
20.45 «Монитор Осиё».
21.05 «Тақдирлар».
21.30 «Беш дақиқа ўзим учун».
21.35 «Хит-коллекция».
22.00 «Киносалон».
23.40 «Бу ажиб дунё».
23.55 «Спорт-марказ».
00.40—00.50 «Хайрли тун!».

ЯКШАНБА, 15

I

6.30 «Ассалом Ўзбекистон!».
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Диққат, мотор!» Видеофильм. 4-серия.
11.30 «Қувноқ стартлар». Телемусобақа.
12.10 «Жавоҳирлар бўстони». Адабий кўрсатув.
12.40 «Зиёрат».
12.50 Кундузги сеанс. «Марияга аталган олмослар». Бадиий фильм.
14.05 «Ғўзал Фарғонам менинг». Мусиқий дастур.
14.35—15.10 «Телевизион миниатюралар театри».
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Ўйла, изла, топ!» Телебеллашув.
18.35 «Ёшлик» студияси. «Қишлоқ ҳақида ўйлар».
19.00 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 — Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
20.00 «Ханда дўкони».
20.30 «Ҳафтанома».
21.05 «Якшанба оқшомида». Мусиқий дам олиш дастури.
21.45 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Диққат, мотор!». Видеофильм премьераси. 5-серия.
22.15 Спорт. Спорт. Спорт.
22.35 «Кино янгиликлари».
22.45 «Телевикторина».
22.55 «Жаҳон киноси юлдузлари».
23.15 «Бу ҳам кино». Сериал.
00.25—00.30 Ватан тимсоллари.

II

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Боланинг тили».
9.15 «Катта танаффус». Телеўйин.
9.45 «Жозиба».
10.00 «Таурас куч тўпламоқда». Телесериал.
10.50 «Мафтункор чеҳралар».
11.50 «Бизнес-академия».
12.05 «Болалар экрани».
12.20 «Спорт қитъаси».
12.45 «Бенни Хилл шоуси».
13.10 «Нью-Йорк». Телесериал.
*
«Якшанбада яхши дам» дастури.
14.00 Кўрсатувлар дастури.
14.05 «Хорижий эстрада. «ELTON JOHN».
14.30 «Сансет Бичнинг муҳаббати ва сирлари». Телесериал.
15.10 «Интер-футбол».
15.55 «Нафосат даврасида».
16.30 Мультипанорама.
17.00 «Ўргимчак тўри». Телесериал.
17.45 «Келгуси ҳафтада».
*
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Сув ости дунёсига саёҳат».
18.30 «Синфдош».
18.55 «Бари ҳазил».
19.05 «Бўш ўтирма».
19.25, 19.55 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
20.00 «Кенгга — кенг дунё».
20.15 «Тақвим, оҳанглар, эълонлар».
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 «Менинг ҳам ўз овозим бор». У. Маҳкамбоев.
21.20 «Даракчи».
21.30 «Даллас». Телесериал.
22.20 «Миллионлар ўйини». Мавсум арафасида.
22.50 Келгуси ҳафтада.
23.05 Якшанба кинозали.
00.45—00.50 Тунингиз хайрли бўлсин!

III

18.10 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
*
Россия жамоат телевидениеси. 18.15 — 23.50
*
23.50 Эълонлар.
23.55 — 00.20 «Панорама» (рус тилида).

IV

9.00 «Хайрли тонг!».
9.30 «Парле ву франсэ?»
9.55 «Якшанба эртаги».
11.35 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
11.45 Клип-антракт.
11.55 Эълонлар.
12.00 «Киносалон».
14.00 «Ракурс».
14.30 «Жонли сайёра».
14.50 Клип-антракт.
15.00 Кундузги сеанс.
16.30 Мультэкран.
16.50—17.10 «Сенинг вақтинг».
* * *
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультомоша».
19.00, 21.25 Эълонлар.
19.05 «Кобра». Телесериал.
19.50 «Бугунги кун мавзуси».
20.05

"Энг азиз, энг улуғ" танловига

ДАРАХТЛАР ОМОН БЎЛСИН!

Чор-атрофи ёнғоқзор, олчазор, олмазор, ўрикзору жийдазорларга бурканган бўларди, қишлоғимиз. Бу томонларда бўладиган мева-чеваларнинг номларини айтиб, адоғига етиб бўлмасди. Исми жисмига монанд, "Қизғалдоқ" дея аталарди қишлоғимиз. Ҳозир эса, у Келес шаҳри тасарруфига ўтиб, каттакон турар-жой даҳасига айланган.

Ҳали пасту баланд нималигини билмаган болакай чоғларим эди. Кеч куз кунларидан бирида ҳовлимиз этагидаги қантак ўрик дарахти атрофида сочилиб ётган, куз қуёши оғушида ял-ял товланаётган қизғиш барги ҳазонларни ўрик дарахти тагига тўплай бошладим. Ким билсин, кўзимга сал ғалатироқ кўриндими, ҳайтовур, ғайрат билан ҳазон йиғардим. Зуҳрихон онам (илоҳим охиратлари обод бўлсин!) қилаётган ишимни кўриб мақтаб қўйдилар:

— Баракалла, катта йигит, ҳовли ҳам тоза бўлади.

"Катта йигит"нинг бир ғайратига ўн ғайрат қўшилди. Шитир-шитир қилаётган хазонларнинг тагига қоғозни тутантириқ қилиб, гугурт чақдим. Тутаб-тутаб ёна бошлади. Кўзларимдан ёш оқиб, бу манзарани томоша қила бошладим. Кейин зерикдим шекилли, ўйин билан андармон бўлиб кетибман.

... Кечга томон не кўз билан кўрайки, эртапишар ўригимиз гуриллаб ёнаётган ўт ичида қовриларди. Атрофга эса, чарс-чарс учқунлар сачрарди. Уйда, ҳатто, яқин-атрофда ҳеч кимса йўқ. Нима қилишимни билмайман...

Бир маҳал ўртоғим Муҳаммад Амир пайдо бўлдию, икковимиз дод солиб, челакларга ёпишдик. Сув сепаяпмиз, сув сепаяпмиз, қани энди олов ўчақолса. Йиғлаййиғлай, бир амаллаб ўтни ҳам ўчирдик. Бечора ўригимиз мингбир тилли оловнинг жабридан қоп-қорайиб, шумшайиб қолди.

— Энди, даданг таъзирингни беради, шундай ширин ўрикни ёқиб юбординг-а, — деди Амир пешонасидаги терларни артаркан.

—Мен... Мен қаёқдан билибман, — дедим пиқиллаб.

Шу куни қаттиқ қўрқиб кетган эканманми, иситмам кўтарилиб, алаҳлай бошлабман. Уч-тўрт кун ўтиб, соғая бошлаганимда кўрсам, бечора Онажонимнинг сочлари оқариб кетибди...

Онажоним, менинг мунис, меҳрибон Онажоним! Оқ ювиб, оқ тараган, сочларингизга оқ туширган ўша кунларни энди эсласам, юрак-бағрим ўртаниб, ўзимни ўзим ёмон кўриб кетаман. Шу-шу бўлдию, бехудага гугурт ушламайдиган, кузги ҳазонларни ёндирмайдиган бўлдим. Бирор ерда ҳазон тутаётганини кўрсам, дод солиб, челак кўтаргим, сув сепгим келади. Кўз ўнгимда сочлари бир кундаёқ оқарган Онажонимнинг сиймоси, кейин менинг ёнаётган, куйиб кул бўлган қантак ўригим намоён бўлаверади.

ЁНАЁТГАН ДАРАХТ! Сиз унга ҳеч разм солганмисиз?! Тошбағрлик, мурувватсизлик оқибатида чил-парчин бўлиб бораётган ҳамиша меҳрибон ва танти табиатимиз қўйнида олов бўронига бас келолмай, чарсиллаб, гуриллаб ёнаётган дарахтларнинг дардини уққанмисиз? Шунақа пайтда челак кўтариб, сувга югурманг, аввало, унинг дардини тинглаб кўринг.

Қулоғимга қандайдир нидо эштилди: "Мен нега ёнаяпман, о, ҳазрати Инсон?! Сен-чи, сен нега бирга ёнолмаяпсан, кулларимни кавлаш хаёлидамисан? Гугурт ўз қўлингда-ку, нега яна айбдорни излаяпсан?!

.. Ҳар кимнинг кўнглида ўзининг ёнаётган дарахти бўлади. Бу — бизнинг армонларимиз, бу — бизнинг жамият ва одамлар олдида узилмай қолган, узишни эса, истаб-истамаётган қарзларимиз.

Биз ҳамиша ёнаётган дарахтга ўзимизни ургимиз, уни қутқариб қолгимиз, "Одамлар бормисиз?" дея ҳайқиргимиз келади. Аммо, охир-оқибатда ҳаммаси бефойда эканлигини тушуна бошлаймиз. Ахир ёнаётган дарахтнинг мунғайган суврати кўзимизнинг туб-тубларида қорайиб турибди-ку!

Ёнаётган дарахт! Негаям сени эсладим? Қалб чашмасидан отилиб чиқаётган армонларим, дилимда ҳеч кимга айтмай, сақлаган пинхона сирларим сен туфайли юзага чиқиб қолмадими?!

Ҳар кимнинг ўз ёнаётган дарахти бор. Менинг мунис ва мушфиқ, меҳрли ва захматкаш Онажоним! Сиз ҳам бемаҳал ёнаётган дарахтга ўхшамайсизми? Онажоним, Сизни ёнаётган дарахтга қиёслаганим учун мени — ношуд, ношукур ўғлингизни, саодатли, айни пайтда субутсиз дилпорангизни еру осмон ҳаққи, берган оқ сутингиз ҳаққи, маъзур тутинг!

— Болам, — дейсиз ранжиганингизни билдирмай, — нега унақа дейсан, сен менинг жону-жаҳонимсан-ку! Ақлли бола онасига унақа демайди. Ёниш аслида оналарнинг, дарахтларнинг қисмати, болам! "Ақлли бола" эса кўзларингизга тик қаролмай, ер чизиб туради...

Ёнаётган дарахт — Онажоним! Яхши ва ёмон кунларимда, қувноқ ва мискин онларимда, албатта, сизни эслайман. Менинг меҳридарё, мўътабар Онажоним! Ороимини, бахтимни кўриқлаган посбоним — менинг то хануз чарсиллаб ёнаётган дарахтим! Қош-қовоқ орасичалик қисқагина умри мобайнида ёна-ёна, не қийинчиликлару шўришғавғоларга бас кела олган, Онажоним! Сув келса симириб, тош келса кемириб, шу кўҳна бир қам дунёнинг бор-йўғи, қувончу ташвишларини кичкинагина жуссасида кўтара олган, Онажоним! Нега қўлларимга гугурт олдим-а?!

Ёнаётган дарахт! У менинг хотирамда абадий тархи чизиб қўйилган муқаддас оят ёки ҳеч ушалмайдиган армонларим, ушалмаган орзуларимсан. Дўстим Темурнинг — онаси Манзура ҳолам ҳар сафар йўқлаб борганимда, қўлларини елкамга тегизиб, тавоб қилгандек бўлганларида Онажон, сизни жуда-жуда кўргим келади. Яна бир ҳамкасбимнинг саксонларни қоралаб қолган оналари Саломат ая кўриша туриб, лабларини пешонамга босганларида, юрагим хаприқиб, сизнинг меҳрли нигоҳларингизга дуч келгандек, йўқотган гавҳаримни топгандек бўламан.

Ёнаётган дарахт! Тўрт фарзандини эр етганида "Шавкат" дея ўзгартирилибди, расму-русумини қилиб, мени саватга солиб, Кўктерак бозорига олиб чиқибсиз.

— Хой, яхши одамлар! Оёқсизга оёқ борми? Айтинглар, яхшилар, оёқсизга оёқ борми?! — дея кўринган кишидан савол сўрабсиз.

Оппоқ соқоллари кўксига тушган боболар, нуроний юзларига ажинлари ярашган момолар бир зум тўхтаб:

— Оёқсизга оёқ бор, саратон тупроғига кўмиб қўйинг, чопқиллаб кетади, қулунтой. Теракларнинг соясида ўтирсин, ажаб эмас эм бўлади, — дея маслаҳат беришибди, дуолар қилишибди. Хуллас, сизнинг кўнглингизни кўтаришибди. Мен ҳадемай нуроний бобо ва момоларимизнинг дуолари ижобат бўлиб, тупроқ тафти-ю, теракларнинг сеҳру қудрати тегиб, йўлга кириб кетибман. Лекин, мактабга боргунимча Онажоним, Сизнинг елкангиздан тушмаганларим ҳали-ҳануз ёдимда. Сизни қийнаб қўйганим йўқми? Қўлларингизга илиқ сув қуйиб, сочиқ тутиб, кўнглингизни кўтара олдимми? Билмадим, билолмадим...

Ёнаётган дарахт! Сен менинг чек-чегараси йўқ армонларим, ушалмаган орзуларимсан. Дўстим Темурнинг — онаси Манзура ҳолам ҳар сафар йўқлаб борганимда, қўлларини елкамга тегизиб, тавоб қилгандек бўлганларида Онажон, сизни жуда-жуда кўргим келади. Яна бир ҳамкасбимнинг саксонларни қоралаб қолган оналари Саломат ая кўриша туриб, лабларини пешонамга босганларида, юрагим хаприқиб, сизнинг меҳрли нигоҳларингизга дуч келгандек, йўқотган гавҳаримни топгандек бўламан.

Ёнаётган дарахт! Тўрт фарзандини эр етганида тупроқ бағрига бирин-кетин топшириб, ўзи чўпу устухонга айланган, кўзи ожизлашиб қолган тўқсон ёшли Хатирахон онам ёнаётган дарахт эмасми? Оғзим ошга етди деганда, қоқилган, ёлғиз Фарҳодининг дардида куя-куя адо бўлган Сайёра опам ҳар сафар мени бағрига босиб, ўкириб йиғлаганида, қандай қилиб юпатишни билмай, яна ва яна Яратган эгамга, қолаверса, ўзингизга илтижолар қиламан. Яна ўзингиз сабр-қаноатли бўлишга ундагандек бўласиз... Онажон!

Ёнаётган дарахт! Болаликдаги шўхликларим оқибатида ёниб кетган ўрик дарахтининг тимсоли ҳали-ҳамон кўз ўнгимдан кетмайди. "Қизғалдоқ" қишлоғида ер тақчиллиги баҳонасида кунфаякун қилинган боғу-роғлар Ёнаётган дарахтимнинг армонли соялари эмасми? Меҳру-муҳаббатга қонмаган қалб бир умрга зада бўлиб қоларкан. Йўқ, йўқ, бани Одам назарида Онажонларимизни Ёнаётган ўрик дарахти қиёфасида кўришни ҳеч қачон истаган эмасман.

Кошкийди, дунёда ўт-олов билан ўйнашаётганлар, ноўрин сўз, жиндай эътиборсизлик туфайли ўзларини ўтга-чўққа уриб, ўзларини ўзлари Ёнаётган дарахт аҳволига солиб қўяётганлар охир-оқибатда шайтонга ҳайр бера олсалар, бу жафокаш табиат қўйнида бор неъматлардан баҳра ола билсалар, гуриллаб ёнаётган ўрик дарахтининг суврати эса, фақат мажозий маънодаги ҳосила бўлиб қололса, айни муддао бўлар эди!

Диний таълимотларда инсон руҳан ўлмайди. У бир жисмдан иккинчисига ўтади. Шу сабабли яхши одамлар жониворларга, паррандаларга озор беришмас экан. Ким билсин, — деб ўйлашаркан улар, — балки, жонивору дов-дарахтлар менинг отамдир, онамдир, синглимдир...

Ҳеч эътибор берганмисиз, қабрлар устидан униб чиққан гул ва майсаларда қандайдир сирли ҳислатлар борга ўхшайди. Улар марҳумларнинг юзи ёки кўзи эмасмикин, улар дов-дарахтга, гул-гиёҳга айланиб қайта дунёга келишмаганмикин? Буларнинг ҳаммаси табиат ва Инсон яктан, якжисм эканлигига бир ишора эмасми? Бизнинг эса ҳеч нарсани тан олгимиз келмайди, уларни топтайверамиз, юлаверамиз, ёқаверамиз, отаверамиз... Шунинг учун ҳам кўнглимнинг тубтубларидан отилиб чиқаётган муқаддас, илоҳий, аламли садолар вужудимни ўртайди.

Ёнаётган дарахтлар!

Истагим, илтижоим шу: Дарахтлар омон бўлсин, куртаклар гул ёзсин, гуллар мева тугсин! Дастурхонимиздан доимо қут-барака аримасин!..

Гугурт — бир оғиз аччиқ сўз, ўйламай қўйилган бир қадам! Ўтин — аччиқ сўз хосиласи тиғиппаррондек тешиб ўтилган суяқдир! Аланга — кўз қорачиғига жойлашган нафрат учқуни! Бонг — юраклардаги сўнгсиз нидо! Илоҳим, ғазабдан сақланиш йўли топилгани рост бўлсин!

Даврнинг бемаҳал чиққан ёнғинларини ўчирувчи сув — диёнат эмиш! Тириклик суви эса, табиат қони дейишади. Табиатнинг қонини, жонини олиш биз одамларга асрий мерос бўлиб қолмаганми? Билмадим... Билмадим... Шуни очиқ биламанки, дарахту гиёҳ, паррандаю даррандалар бор экан, табиат ҳамиша устивор бўлади, шундай экан, сизу мен бормиз, азиз юртдошим!

Шавкат ТУРОБ.

Божхона бекати

НАФС БАНДАЛАРИ

ҚАДИМГИ донишмандлар шундай доно ўгит айтиб келганлар: "Кимки ўз нафсини жиловлаб олган бўлса, билгилки, у нафсига хожадир. Агар аксинча бўлса, бундай кимсалар ўз нафсининг қулларидир". Шу боис ҳам ота-боболаримиз сабр-тоқат, ҳалоллик ва тўғрисўзликни қадрлаганлар. Очкўз, баднафс, ўз ҳузур-ҳаловатидан бошқа нарсани ўйламайдиган кишилардан йироқроқ юришга ҳаракат қилганлар.

Бироқ, бундай иллат билан "оғриганлар" жамият ривожига, элу-юрт манфаатига зиён етказаётганидан ҳам кўз юмиб бўлмайди.

Яқинда вилоят божхона бошқармасига қарашли 11-сонли "Ойбек" пости инспекторлари Зуҳриддин Позилов, Иброҳим Ҳайдаралиев, Ғайрат Исматов, Саидаҳмат Жамолов, Даврон Абдураҳмоновларнинг хушёрлиги туфайли яна бир қинғир ишнинг олди олинди. Тунги соат 22-00 да Бекобод туманидан Тожикистон Республикаси ҳудудига чиқадиган айланма йўлда Ўзбекистон фуқароси Н. Муҳаммадалиевга тегишли "КамАЗ - 5320" юк автоулови тўхтатилганда ҳамма сир фош бўлди.

Текинтомоқ кимсалар 8240 литр спиртни (умумий баҳоси 5 миллион 356 минг сўм) ва бошқа жами қиймати 6 миллион 802 минг 300 сўмлик товар-моддий бойликларни ноқонуний йўл билан қўшни мамлакатга олиб кетаётган эканлар. Бу иш юзасидан жиноий иш қўзғатилди.

«ҒИШТКЎПРИК»ДА «МЕРСЕДЕС-БЕНЦ»

Бугун ички бозорларимизнинг тўкин бўлишида кўп жиҳатдан тижоратчиларнинг маълум маънода ҳиссаси бор. Буни инкор қилиб бўлмайди. Лекин, мол олиб чиқиш ва олиб келиш қонун асосида, божхона тартиб-қоидаларига кўра амалга оширилса, олам гулистон.

Баъзи бировлар амалдаги тартиб-қоидалардан бехабарлигини важ қилиб, ўз манфаатларини кўзлаб иш тутмоқдалар.

"Ғиштқўприк" мажмуида Ўзбекистондан Алматига кетаётган "Мерседес-Бенц" русумли автобус тўхтатилиб, кўрикдан ўтказилганда, йўловчи Афғонистон фуқароси Ф. бироз шубҳали кўринди. Буни пайқаб қолган нозирлар Адҳамхўжа Дадахўжаев ва Абдуқодир Раҳимовлар ундан нималар олиб кетаётганлигини сўрашди. Ҳиссиёт алдамади. Хорижлик меҳмон божхона декларациясида қайд этмаган ҳолда 25.000 АҚШ долларини яширинча олиб кетаётган экан.

Тошкент вилояти божхона бошқармаси ходимлари халқ мулкини талон-тарож қилувчиларга қарши кескин кураш олиб боряптилар. Бу соҳа соҳиблари учун ватанпарварлик шунчаки оддий тушунча эмас. Қолаверса, бошқарма маъмурияти томонидан алоҳида намуна кўрсатган ходимлар моддий томондан рағбатлантириб турилгани ҳам ўз самарасини кўрсатмоқда.

Ботир ҲУСАНБОЕВ.

Об-ҳаво

РЕСПУБЛИКА об-ҳавони кузатиш бош бошқармасининг хабарига кўра, 7-11 март кунлари пойтахтимиз ва Тошкент вилоятида ҳаво ўзгариб, бироз қор ёғади.

Ҳарорат кечалари 0-5 даража совуқ ва 0-5 даража илиқ атрофида, кундуз кунлари эса 10-15 даража илиқ бўлади.

ҚАҲРАМОННИНГ КОНЦЕРТИ

ЯҚИНДА Мухтор Ашрафий номидаги "Тошкент Давлат консерваториясида XII ёшлар жаҳон фестивали дипломанти, республика ёш ижрочилар танловининг соҳиби Қаҳрамон Назировнинг янги дастурдаги якка ижрочилик концерти намойиш этилди.

Ушбу олий масканни муваффақиятли тамомлаган ижрочи узоқ йиллар Тўхтасин Жалилов номидаги ўзбек давлат академик халқ чолғу асбоблари оркестрида солист бўлиб ишлади. Унинг репертуаридан Бетховен, Паганини, Чайковский, Тўхтасин Жалилов, Арам Хачатурян, Узеир Хожибеков ва бошқа композиторларнинг асарлари ўрин олган. Ғоятда мароқли ўтган концерт томошабинларда яхши таассурот қолдирди.

Ҳасан ИБРОҲИМОВ.

Очиқ турдаги "Тошкент почтаси" акциядорлик жамияти "Тошкент почтаси" АЖ

ЭМИССИЯ ПРОСПЕКТИ

I. ЭМИТЕНТНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ:
1. Тўлиқ ва қисқартирилган номи:
2. Ҳуқуқий манзилгоҳи:
Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Фарҳод кўчаси, 3-уй.
3. Эмитент давлат рўйхатидан ўтказилган тартиб номери ва санаси:
Яккасарой тумани ҳокимининг 1997 йил 18 декабрдаги 1964-сонли қарори билан рўйхатга олинган.
4. Ташкилий ва ҳуқуқий шакли:
Очиқ турдаги акциядорлик жамияти:
5. Таркибига эмитент кирадиган бирлашма (уюшма, концерн, корпорация)нинг тўлиқ номи ва ҳуқуқий манзилгоҳи. "Ўзбекистон почтаси" давлат акциядорлик компанияси. Тошкент шаҳар, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй.
6. Эмитентнинг ҳисоб-китоб рақамлари, хизмат кўрсатувчи банк муассасаси номи ва реквизитлари:
2001000010055285001 "Алоқа банк" САКБда МФО 00401

II. АКЦИЯЛАРНИ ТАҚСИМЛАШ ТАРТИБИ:
1. Бошланғич маълумотлар:
а) Низом жамғармаси — 50258000 сўм;
б) акциялар миқдори — 50258 дона;
в) Битта акциянинг номинал қиймати — 1000 сўм. Барча акциялар бир хил қийматга эга.
2. Меҳнат жамоаси аъзоси сотиб оладиган эгасининг номи кўрсатилган акциянинг номинал қиймати бўйича:
а) акциялар улуши 10 фоиз;
б) акциялар суммаси 5 миллион 26 минг сўм;
в) акциялар сони 5 минг 26 дона.
3. Ўзбекистон Республикаси давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси оддий эгасининг номи кўрсатилган акцияларни сакловчи бўлиб ҳисобланади:
а) акциялар улуши 75 фоиз;
б) акциялар суммаси 37 миллион 693 минг сўм;
в) акциялар сони 37 минг 693 дона.
4. Эркин савдога чиқарилган оддий, эгасининг номи кўрсатилган акциялар:
а) акциялар улуши 15 фоиз;
б) акциялар суммаси 7 миллион 539 минг сўм;
в) акциялар сони 7 минг 539 дона.
5. Акцияларнинг чиқариш шакли:
Пул ўтказиш йўли билан 100 фоизи — 50 миллион 258 минг сўм. "Вақт" миллий депозитарийсида ёзувларни сақлаш йўли билан сақланади.
6. Акцияларни сотиш ва жойлаштириш тартиби, миқдори ҳамда муддатлари:

Меҳнат жамоасининг аъзоларига бериладиган имтиёзларнинг турли усуллари билан акцияларни сотиш йўллари	Муддатлари		Акцияларнинг умумий қиймати	
	сотиш ва жойлаштиришнинг бошланиши	сотиш ва жойлаштиришнинг тугаши	сумма, минг сўм ҳисобида	акциялар умумий сонидан фоиз ҳисобида улуши
1. Акциялар жами	йил давомида		50258,0	100
2. Имтиёзларга эга бўлган акцияларни жойлаштириш	—	—		—
3. Давлат томонидан сақланадиган акциялар			37693,0	75
4. Меҳнат жамоаларининг аъзолари орасида оддий эгасининг номи ёзилган акцияларни жойлаштириш	йил давомида		5026,0	10
5. Эркин сотиладиган акцияларнинг жами			7539,0	15
6. Чет эл сармоядорларига сотиладиган акциялар			—	—

ТИМ LTD
ОВРУПО ва АМЕРИКАДАН
қурилиш материалларини
олиб келиб сотади
Телефон: 78-97-43

Тошкент вилояти «Ўзагрокимётаъминот» давлат ҳиссадорлик бирлашмаси Юқоричирчиқ тумани «Ўзагрокимётаъминот» бирлашмаси раиси
ЕРМЕК НАЛИБАЕВнинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Зангиота тумани ҳокимлиги жамоаси туман халқ демократик партияси кенгаши биринчи котиби Т.Файзиевга падари бузруквори
ОБИДЖОН ФАЙЗИЕВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

SHIMOL - SERVIS
Тезкор, сифатли кафолат билан
Музлатгичлар, совутгичларни созлаймиз
Ташкилотлар билан техник хизмат кўрсатиш ва созлаш ишларини бажариш учун шартномалар тузамиз.
Созланган БК совутгичларини, ФРЕОН- 12 сотамиз
Тел.: (3712) 45-10-69, 45-06-82
© РИА «Ташкент-Тайм»

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI
Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ
Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ
Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48 Эълонлар: 133-99-15, 136-57-27.
• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.
Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-01049. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Музаффар ҚЎЧҚОРОВ. Адади 16.362 нусха.
"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти – 20.30. Босишга топширилди – 18.00. 1 2 3 4 5 6